



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

2007 йил, 31 май, пайшанба

**XXI АСР
САДОСИ**
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 103 (10.912)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

Кечка сатрларда

● **КЕЧА** Халқаро бизнес марказида икки томонлама савдо иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида ўтказилган бизнес форумда маҳаллий тадбиркорлар билан бирга Жанубий корейлик ишбилармонлар ҳам иштирок этишди. Тадбир доирасида кооперацион жаможа уюштирилди.

● **КЕЧА** Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан Тошкент тиббиёт академиясининг Офтальмология бўлимига ҳомийлар ёрдамида тиббиёт жихозлари, замонавий технологиялар келтирилди.

● **ҲАМЗА** туман ҳокимлигида туман фаоллари, ёшлари иштирокида 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб уюштирилган тадбир «Болалар — келажак таянчи» деб номланди.

● **КЕЧА** шаҳримизда Республика касб-хунар коллежлари, академик лицейлари фольклор жамоалари ўртасида ташкил этилган «Барҳаёт анъаналар» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

● «**ТУРКИСТОН**» саройида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика «Камолот» ЁИХ, «Кувноқлар ва зукколар» ассоциацияси ҳамкорликларида олий ўқув юртлиари жамоалари ўртасида уюштирилган «Кувноқлар ва зукколар» кўрик-танловининг республика босқичи ғолиблари тақдирланди.

● **ШАХРИМИЗДАГИ** Ўзбекистон Миллий боғида уюштирилган «Гуллар ва қушлар» байрам тадбирида ёшлар иштирок этишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

«E'ZOZA-NUR TEKS»
ХУСУСИЙ
КОРХОНАСИННИНГ
ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИГА
ЭНДИГИНА 4 ОЙ ЎТГАН
БЎЛСА-ДА, БИРОҚ УНИНГ
МАҲСУЛОТЛАРИ ЎЗ
СИФАТИ БИЛАН
МИЖОЗЛАР ЭЪТИБОРИГА
ТУШИШГА УЛГУРДИ.



— Корхонамизда 30 хилдаги болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқарилмоқда, — дейди хусусий корхона раҳбари ёш, сергайрат тадбиркор Малика Фаттохова. — Махсулотларимиз 2 ёшдан бошлаб 6 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган



Иқтисодиёт

ҲАМКОРЛАР САФИ ОШМОҚДА

бўлиб, ҳам ички, ҳам четдан келтириладиган хом ашёдан фойдаланялмиз. Шартномага кўра «Чорсу савдо маркет» акциядорлик жамияти, «Тошкент универмаги» каби йирик савдо корхоналари билан ҳамкорлик асосида ишлаётганимиз ҳам фаолиятимиз ривожига муҳим омил бўлмоқда. Бутунжаҳон кураши ривожлантириш жамғармаси билан ҳам шериклик алоқаларини ўрнатганмиз. Фаолиятимизда махсулотимиз

сифатининг юқори, нархлари эса оммабоп бўлишига ҳаракат қилаялмиз. Келгусида ҳамкорларимиз сонини ошириб, махсулотларимиз турини янада кўпайтириш режаларини ўз олдимиизга мақсад қилиб қўйганмиз.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: «E'ZOZA-NUR TEKS» хусусий корхонаси фаолиятдан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2006 ЙИЛДА МАМЛАКАТИНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАБ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА ЎТКАЗИЛГАН МАЖЛИСИДА МАЪРУЗАСИДА ТАЪКИДЛАНГАНИДЕК, «БОЗОР ИСЛОХОТЛАРИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ, ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА МУЛК ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРАЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ МАМЛАКАТИМИЗДА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШ ҲАМДА ҲАЖМИ ТОБОРА ОРТИБ БОРАЁТГАН ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШГА ИЖОБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТДИ».

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз иқтисодиётига чет эл инвестицияларининг жалб этилиши хорижий шериклар билан ҳамкорликда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, янги замонавий техника ва технологияларни ўзлаштириш, махсулотларимизнинг юксак сифатини таъминлаш ҳамда жаҳон бозорига иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини ошириш имконини бераётганлигини ҳам айтиб ўтди. Айни ана шулардан келиб чиқиб, хорижий инвестицияларни, биринчи гада тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш ишларини ҳар томонлама кучайтириш вазифаси иқтисодий ислохот-

ларни чуқурлаштиришининг келгуси даврга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида илгари сурилди.

Инвестицияларнинг хориждан келиши оқимини рағбатлантириш соҳасидаги миллий қонун ҳужжатлари ҳамда норматив-ҳуқуқий базани янада ривожлантириш масалаларига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида 2007 йил 30 май кунини «Инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ташқи иқтисодий алоқаларни такомиллаштириш масалалари» мавзусида конференция бўлиб ўтди. Тадбир Сенатнинг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси томонидан

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Савдо-санаят палатаси билан биргаликда ташкил этилди.

Узаро фикр алмашув ва муҳокама асосида шу нарса таъкидландики, иқтисодий ислохотлар изчиллик билан ўтказиб келинаётганлиги, яратилган қулай имтиёз ва преференциялар тизими туфайли мамлакатимизда 2006 йил ҳолатига кўра 20 миллиард АҚШ долларидан зиёд миқдорда хорижий инвестиция жалб этилган, тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий инвестициялар эса 2000—2006 йиллар мобайнидагина 9,3 баравар кўпайган ва эндиликда 2,5 миллиард долларни ташкил этмоқда. Хорижий инвестициялар Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар ўтказиш, тайёр махсулот ишлаб чиқариш қўламини кенгайтириш, экспорт ҳажминини оширишга имконият яратётганлиги ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди. Тўғридан-тўғри инвестициялар оқими кенгайиб ва ортиб бораётганлиги мамлакатимизда амалга оширилаёт-

ган қўламдор демократик ва бозор ислохотларининг тўғрилиги ҳамда самарадорлиги чет эллик шериклар томонидан яна бир эътироф этилганлигининг ўзига хос далолатидир.

Иштирокчилар мамлакат иқтисодиётига хориждан сармояларни, энг аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни янада кенгроқ жалб этиш билан боғлиқ ишларни кучайтириш зарур эканлигини айтиб ўтдилар. Мухокама якунлари асосида чет эл инвестицияларини жалб этиш соҳасидаги миллий қонун ҳужжатларини янада ривожлантиришга қаратилган тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Конференция ишида сенаторлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари, олимлар ва мутахассислар, бир қанча вазирлик ва идораларнинг, дипломатик корпуснинг, халқаро молия институтларининг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

САНОҚЛИ КУНЛАРДАН СЎНГ ПОЙТАХТИМИЗДА ГЎЗАЛЛИК, БАРКАМОЛЛИК, СОҒЛОМЛИК РАМЗИ БЎЛГАН «УНИВЕРСИАДА—2007» МУСОБАҚАЛАРИГА СТАРТ БЕРИЛАДИ. ЮРТИМИЗНИНГ ТУРЛИ ОЛАЁТГАН ТАЛАБАЛАР ИШТИРОК ЭТАДИГАН УШБУ ЧАҚҚОНЛИК, ШИЖОАТ, ТОПҚИРЛИК БАЙРАМИ БАРЧА ИШТИРОКЧИЛАРГА ЎЧМАС ТААССУТЛАР ТУҲФА ЭТИШИ ШУБҲАСИЗ.

Маълумки, ёшлар келажиги, соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишларини кўзлаб Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган уч босқичли спорт мусобақалари тизими — мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», ўрта махсус ўқув юртлиари ўқувчиларининг «Баркамол авлод» ҳамда олий ўқув юртлиари талабаларининг «Универсиада»



«Универсиада—2007» олдидан СОҒЛОМЛИК, ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ ЯҚИН

ўйинлари мусобақалари тобора оммалашиб ўз сафларига минг-минглаб ёшларни бирлаштирмоқда. Пойтахтимизда мезбонлик қиладиган ушбу «Универсиада—2007» мусобақалари ҳам шубҳасиз, ўсиб келаётган ёшларимизнинг соғлом, жисмонан бақувват бўлиб вояга етишларини таъминлаш, истеъдод ва иқтидорларини аниқлашга хизмат қилади.

Айни кунларда волейбол, қўл түпи, кураш, белбоғли кураш, сузиш, теннис каби спортнинг 12 тури бўйича бўлиб ўтадиган «Универсиада» мусобақаларига катта тайёргарлик ишлари ниҳоясига етмоқда. Айниқса мусобақанинг асосий қисми бўлиб ўтадиган «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида кўтаринки рух ҳукмрон.

—Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган спорт мусобақаларида гандбол бўйича йи-гитларимиз биринчи ўринни, қизларимиз эса иккинчи ўринни эгаллашган эди. Умид қила-мики «Универсиада—2007» турнирида ҳам ёшларимиз ишончимизни албатта оқлаб, со-вринли ўринларни эгаллашади, — дейди Ўз-бекистон Миллий университетининг жисмоний тарбия кафедраси ходими Равшан Юсупов.

—Ушбу мусобақа талаба —ёшларнинг спортга бўлган қизиқишларини тобора оши-рмоқда, хусусан «Универсиада—2005» спорт мусобақаларида талабаларимиз қўл түпи бўйича биринчи ўринни эгаллашган эди. Су-зиш бўйича эса Камола Мансурова (ЎЗМУ талабаси) олтин медаль соҳибига бўлган, — дей-

ди спорт клуби раиси Андрей Платунов. — Ҳозирда «Универсиада—2007» мусобақалари-га тайёргарлик авжида, спортнинг 12 тури бўйича саралаш босқичлари ниҳоясига ет-моқда. Ишонимизки, талабаларимиз бу са-фар ҳам фахрли ўринларни эгаллашади.

Ёшларимизнинг жисмонан бақувват, маъна-в етук бўлиши, энг асосийси уларда соғлом тан, соғлом ақл ва фикрини янада шакллантириш мақсадида ўтказилаётган ушбу мусобақалар ке-лажақда албатта ўзининг ижобий натижалари-ни беради. «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида барпо этилган спорт иншоотлари ҳадемай ёш спортчилар билан гажув бўлиб, ёшлик ва на-фосат байрами билан яшнаб кетади.
Шоира МУҲАМЕДОВА

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча «Ўзбекистон ҳаво йўллари» мил-лий авиакомпанияси ва «Боинг» авиация-космик корпорацияси ўртасида иккита «Бо-инг-787-8» Dreamliner самолёти сотиб олиш бўйича шартнома имзоланди. Маз-кур ҳаво кемаси 290 йўловчига мўлжал-ланган бўлиб, тўхтамасдан 18 соат даво-мида 17 минг километрга уча олади. Улар-да бизнес ва иқтисод класслари бўйича хизмат кўрсатилади.

● Тошкент вилоятининг Бўстонлик ту-манидаги «Семурғ» болалар соғломлаш-тириш оромгоҳида «Камалак» болалар ташкилотининг навбатдаги анжумани бўлиб ўтди.

● Бўка туманида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносабати билан «Фарзандим — дилбандим» деб номлан-ган байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда 300 нафар ногирон болалар ва кам таъ-минланган оилалар фарзандлари қатнаш-ди.

● Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги боғда ўтказилган бўш иш ўрин-лари ярмаркаси давомида 234 нафар киши шу ернинг ўзида ишга жойлаштирилди, беш киши қайта тайёрлаш курсларига юборилди.

● Қашқадарё вилоятида галла ўрим-йи-гимни бошлаб юборилди. Вилоят деҳқон-лари жорий йилда 389 минг 200 тонна сара дон етказиб беришга аҳд қилишган.

● Бухоро вилояти, Қоровулбозор шаҳ-рида 160 ўринли иқтидорли болалар мак-таб-интернати биноси фойдаланишга топ-ширилди. Қўшқаватли мазкур кўркам таъ-лим маскани Бухоро нефтни қайта иш-лаш заводининг ҳомийлик маблағи ҳис-обидан барпо этилди.

● Сурхондарё вилояти кўғирчоқ театри-да ёш раққосларнинг кўрик-танлови ўтқа-зилди. Танлов қатнашчилари Мукаррама Турғунбоева яратган ва сахнага қўйган дилбар рақсларни намойиш этдилар.

● Гурлан туманининг Вазир қишлоғида 40 ўринли бозорнинг ёзги қисми битқа-зилиб, ишга туширилди. Бозор ҳудудида дўконлар ва ошхонанинг қурилиши аҳоли учун яна бир қулайлик бўлди. Қурилишга «Рустам-Аҳмад» фермер хўжалиги раҳба-ри Рустам Аҳмедов ҳомийлик қилди.

● Бухоро шаҳридаги Қўқалдош мадра-сасида халқ амалий санъати усталари ва ёш хунармандлари танловининг вилоят са-ралаш босқичи бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● АҚШ Президенти Жорж Буш Пол Вуль-фовиц истеъфога чиққанлиги муносабати билан Жаҳон банки директорлиги лаво-зимига Роберт Зелика номзодини тақлиф қилди. Р.Зелика бундан аввал хорижий давлатлар билан савдо-сотик масалалари-да музокаралар ўтказиш бўйича АҚШнинг вакили бўлган ва кейинчалик Давлат коти-би ўринбосари вазифасида ишлаган.

● Ливан пойтахти Байрутда БМТ Хавф-сизлик Кенгашининг мамлакатнинг собиқ бош вазири Рафиқ Харирийнинг ўлдири-лиши юзасидан халқаро трибуналнинг ту-зилиши тўғрисидаги хабар катта қувонч билан кутиб олинди ва ўзига хос байрам-га айланиб кетди. Халқаро трибунал Ха-ририйнинг ўлими билан боғлиқ барча да-лилларни ўрганиб чиқиб, айбдорларни аниқлаш ва жазога тортилишини таъмин-лаш бўйича фаолият кўрсатади.

● Кеча Афғонистонда халқаро коалиция кучларига тегишли бўлган ҳарбий вер-толёт уриб туширилди. Ҳалокат натижа-сида ҳаётдан қўз юлган етти нафар ки-шининг беш нафарини АҚШ ҳарбийлари ташкил этади. Вертолётни уриб туширган-лики Толибон ҳаракати ўз бўйича олди.

● Royal Bank of Scotland (RBS) банки Голландиянинг ABN Amro банкни 95,5 миллиард долларга харид қилишини маъ-лум қилди.

● Исроил ҳарбий авиацияси Фазо секто-ридаги қочоқлар лагерини бомбардимон қилди. Мамлакат армияси қўмондонлиги ҳам ушбу маълумотни тасдиқлади.

● Қозоғистондаги Бойқўнғир космод-ромидан учирилган «Союз-ФГ» ракета та-шувчи кема орбитага Американинг тўртта Globalstar телекоммуникацион сунъий йўлдошларини муваффақиятли олиб чиқ-ди.

● 29 майдан 30 майга ўтар кечаси Ар-гентинанинг субтропик ҳудудларида ҳаво ҳарорати - 9, -11 даражача тушиб кет-ди. Мамлакатнинг учта аҳоли турар жой-ларида ҳам рекорд натижа қузатилди. Ҳозирга қадар мамлакатда ҳукм сураёт-ган совуқ ҳаво туфайли уч киши ҳаётдан қўз юлган.

● Япониянинг «Сони» компанияси шу йил ўрталарида янги ультра юпка телеви-зорларнинг сериясини сотувга чиқари-шини маълум қилди. Шу тариқа «Сони» нурли органик диодларда «ойнаи жаҳон» ишлаб чиқарувчи биринчи магнатга ай-ланади.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қили-шича, 1 июнь кунини Тошкентда ҳаво ўзағари туради, ёғингарчилик бўлмади. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 16-18, кундузи 33-35 да-ража иссиқ бўлади.

ИЖТИМОЙИЙ ХИМОЯ

Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг саҳифаси

Тошкент шаҳар комиссияси шаҳар касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши билан ҳамкорликда жорий йилнинг март ойи бошларида мутасадди ташкилотлар, тасарруфида болалар соғломлаштириш оромгоҳлари бўлган тармоқ касабаси уюшмалари шаҳар ташкилотлари, корхоналар ва ташкилотларнинг касабаси уюшма кўмиталари раислари иштирокида кенгайтирилган мажлис ўтказилиб, ҳужалик органлари ва касабаси уюшма кўмиталари билан биргаликда болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг янги мавсумга тайёрлаш билан боғлиқ бўлган қатор масалалар ҳамда вазибалар ва ушбу соғломлаштириш масканларининг иши самарали бўлиши учун бино ва иншоотлардаги капитал ва жорий таъмирлаш, ободонлаштириш, кўргазмалар жиҳозлашни амалга ошириш, жиҳозлар, юмшак ва қаттиқ инвентарлар, идиш-товоклар, кўрпа-тўшаклар сотиб олиш, ишлашга яроқли жиҳозларни таъмирлаш, оромгоҳда ишловчи раҳбар кадрлар, педагог ва ҳужалик ходимларини жамлаш каби кўзда тутилган ташкилий-молиявий тадбирлар атрофида кўриб чиқилди.

Жорий йилнинг апрель ойида болаларнинг ёзи дам олишига тайёрларли кўриш ҳамда уни ўтказиш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимиятининг ва Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг қўшма қарори қабул қилинди. Мазкур қўшма қарор асосида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича шаҳар комиссияси таркиби тасдиқланди, вазибалар ҳамда тадбирларни ижро этиш муддатлари, уларни амалга ошириш учун масъул лавозимли шахслар белгиланди. Бу эса кўпгина ишларни ўтган йилдаги нисбатан анча аввал бошлашга кўмаклашди.

27 апрель кўни болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича шаҳар комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, шаҳар бошқарма ва ташкилотларнинг раҳбарлари, туман ҳокимларининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривож-

лантириш масалалари бўйича ўринбосарлари, Тошкент шаҳар касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раёсатининг аъзолари, тармоқ касабаси уюшмалари шаҳар ташкилотлари раислари, тасарруфида болалар соғломлаштириш оромгоҳлари бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарла-

ЁЗГИ ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТАДИ

МЕХНАТ АХЛИНИНГ ФАРЗАНДЛАРИНИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЁЗГИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА СОҒЛОМЛАШТИРИШ ҲАМДА БЎШ ВАҚТЛАРИНИ МАЗМУНЛИ ЎТКАЗИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ПОЙТАХТ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИДА МУҲИМ ЎРИН ЭГАЛЛАБ, БУ БОРАДА РЕЖА АСОСИДА ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

ри ва касабаси кўмиталари раислари, оромгоҳ бошлиқлари иштирок этишди.

Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашида болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг бошлиқлари, бош бухгалтерлари, катта етакчилари, "Маънавият ва маърифат" хоналарининг раҳбарлари суҳбатдан ўтказилди. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика ва Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида ёзи мавсумида етакчи бўлиб ишлаш иштироқи бўлган талабалар учун махсус курслар ташкил этилиб, ўқиш якунлангач, уларга гувоҳнома берилди. Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси қошида ҳам ана шундай курслар ташкил этилиб ва тарбиячилар учун махсус дастур бўйича ўқув машғулотлари ўтказилмоқда.

Жорий йилнинг 8 май кўни тасарруфида болалар соғломлаштириш оромгоҳи бўлган тармоқ касабаси уюшмалари шаҳар ташкилотларининг касабаси уюшма кўмиталари, ором-

гоҳларнинг бошлиқлари, бош бухгалтерлари, катта тарбиячилари ва катта етакчилари, "Маънавият ва маърифат" хоналарининг раҳбарлари учун уларни ёзи мавсумидаги иши билан боғлиқ бўлган барча масалалар юзасидан семинар ўтказилди.

Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими билан ҳамкорликда май ойида болалар соғломлаштириш оромгоҳлари "Маънавият ва маърифат" хоналарининг раҳбарлари махсус курсларда ўқитилди.

Ўз тасарруфида болалар соғломлаштириш оромгоҳи бўлган пойтахт корхоналарининг ҳужалик раҳбарлари ва касабаси уюшма кўмиталари жамоа шартномалари ва келишувлари доирасида шаҳар ҳокимиятининг тегишли бошқарма ва идоралари билан ҳамкорликда мактаб ўқувчиларининг ёзи таътили кунларида меҳнаткашлар фарзандла-

фон алоқасини тиклаш, кутубхоналарни янги наشرлар билан тўлдириб каби тадбирлар амалга оширилмоқда.

Оромгоҳларга Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш бош бошқармалари, Тошкент шаҳар Савдо ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш корхонаси департаменти зарур бўлган малакали мутахассисларни тайёрлаб бермоқдалар. «Тибашё» ва «Доридармон» корхоналари оромгоҳларини зарур тиббий ускуналар ва дори-дармонлар билан таъминлаш борасида маълум ишларни амалга оширмоқдалар.

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси корхоналар талабномаларига биноан оромгоҳларга болаларни ташиш юзасидан, «Меҳри савдо» давлат корхонаси оромгоҳларини озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича зарур чораларни кўрмоқдалар. Шаҳар санитария-эпидемиология назорати оромгоҳларини қабул қилиш ва уларнинг фаолиятини назорат қилиш ишларини бажармоқда. Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси оромгоҳларда жамоат тартибини сақлаш учун уларнинг барчасига милиция ходимларини ишга юборишни режалаштирган. Оромгоҳларга болаларни автобусларда олиб бориш ва қайтариб олиб келишда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чоралари қўрилган.

Бугунги кунга қадар болалар соғломлаштириш оромгоҳларида таъмирлаш, ободонлаштириш, ҳужалик ишлари тугалланиди ва уларни давлат комиссияси аъзоларига топшириш бошланди. 2007 йилда 45010 нафар дам олувчи болани ўз бағрига олган 61 та болалар соғломлаштириш оромгоҳи, шу жумладан, 32043 бола соғломлаштирилди деган 25 та стационар, 12967 нафар бола дам оладиган мактаблар қошидаги 36 та кундузги оромгоҳлар ишлайди. Шунингдек, оромгоҳларда дам олдирилмаган 45010 нафар бола таркибига Қорақалпоғистон Республикасининг 2000 нафар болани қабул қилиш ва соғломлаштириш кўзда тутилмоқда.

Ёз фаслининг жазирма кунларида табиатнинг ҳузманзара, сўлим гўшаларида мириқиб дам олаётган азиз болаларнинг қувончли чеҳрасини кўриш гоёт ёқимлидир.

Уйлаймизки, у хайрли ишни сидқидилдан амалга ошириш борасида барча мутасадди ташкилотлар кун-гайратларини аямасдан, масъулият билан ёндошадилар.

Ирода ҲИҚМАТОВА,
Шаҳар касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг масъул ходими.

ШАҲАР КЕНГАШИ ЖАМОАСИ ШОҲСУПА ТҮРИДА

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 1-2 МАЙ КУНЛАРИДА ОЛМАЛИК ШАҲРИДА СПОРТНИНГ СТОЛ ТЕННИСИ, ШАХМАТ, ШАШКА, МИНИ-ФУТБОЛ, ЕНГИЛ АТЛЕТИКА ТУРЛАРИ БҮЙИЧА РЕСПУБЛИКА МИҚЁСИДА КАСАБА УЮШМА ХОДИМЛАРИ ЎРТАСИДА МИНТАҚАВИЙ МУСОБАҚАЛАР БЎЛИБ ЎТДИ.

Эраклар ўртасида стол теннис бўйича баҳсларда давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмаси шаҳар кенгашининг бўлим мудири Хусан Маҳмудов, шахмат бўйича мусобақаларда "Фотон" ОАЖ касабаси уюшма кўмитасининг раиси Маҳкамжон Раимов тенгсиз эканликларини намойиш этиб, галаба қозондилар. Енгил атлетика беллашувларида автомобиль транспорти ва йўл ҳужалиги ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича вакилигининг масъул ходими Е.Пилков, шашка донаторларини суришда Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари жисмоний тарбия-спорт жамияти ходими Г.Қаурдаков, фахрли иккинчи ўрин-

га сазовор бўлдилар. Мини-футбол бўйича қизгин ўтган беллашувларда Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари терма жамоаси ҳурмат шохсупасининг иккинчи погонасини эгаллади.

Аёллар ўртасида стол теннис бўйича баҳсларда агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси шаҳар Кенгашининг масъул ходими Наргиза Усмонова, шашка бўйича мусобақаларда меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси касабаси уюшма кўмитасининг раиси Нилуфар Муҳитдинова иккинчи натижани кўрсатдилар.

Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг командаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринга сазовор бўлди. Минтақавий мусобақалар якунлари хусусида тўхталар эканмиз, шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, муваффақият қозониш, маҳоратни ошириш билан биргаликда спортнинг оммавийлигини янада кенгайтириш, спортнинг кундалик турмуш тарзига айланишига баҳоли-қудрат ҳисса қўишиш муҳим натижалардан ҳисобланади.

ОММАВИЙЛИКДАН МАҲОРАТ САРИ

СПОРТНИНГ ОММАВИЙЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ МЕХНАТ АХЛИНИНГ ФАРЗАНДЛАРИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ, ХАЛҚАРО МАЙДОНЛАРДА ВАТЕНИМИЗНИНГ СПОРТ ШАРАФИНИ МУНОСИБ ҲИМОЯЛАШГА ҚОДИР БЎЛГАН ИСТЕЪДОДЛИ СПОРТЧИЛАРНИ ТАРБИЯЛАБ КАМОЛ ТОПТИРИШДА КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

Мазкур йўналишда Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти Кенгаши томонидан муайян ишлар қилинмоқда.

Жумладан, умидли ёш спортчиларимизнинг маҳоратли чарм қўлқоп усталари даражасига кўтарилиб, мамлакат ва халқро миқёсда танилиб бораётганликлари қувонарлидир. Яқинда Таиландда бўлиб ўтган "Кирол Кубоги" халқаро турнирида истеъдодли боксчи-

ларимиздан бири — халқро тоифадаги спорт устаси Жасур Матчонов 91 килограммгача вазнда иштирок этиб, биринчи ўринни эгаллаб, зафар қучди.

Киев шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда эса таникли боксчиларимиздан халқаро тоифадаги спорт устаси Бехзод Хидиров 60 килограммгача вазнда қатнашиб, биринчи ўринга сазовор бўлиб, галуба қозонди. Шу тариха йирик нуфузли мусобақаларда Ватенимиз

Саидмахмуд ЯҲЪЕЕВ,
Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари жисмоний тарбия-спорт жамияти кенгаши раиси.

ОИЛАВИЙ МУСОБАҚАЛАР ҚИЗИҚАРЛИ ЎТДИ

МЕХНАТКАШЛАР ҲАМДА УЛАРИНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИ СОҒЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, СПОРТНИНГ ОММАВИЙЛАШИ БОРИШИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА МУҲИМ ЎРИН ЭГАЛЛАЙДИ.

"Ижтимоий ҳимоя йили"га бағишлаб яқинда Тошкент вилояти, Бўстонлик туманидаги "Чотқол" сихатгоҳида агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Кенгашининг спартакиадаси бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси кенгаши

агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Кенгашининг командаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади ва тармоқ ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Кенгашининг Фахрий ёрлиги ва қимматбахо совғаси билан тақдирланди. Шунингдек, жамоадаги ҳар бир иштирокчига совғалар топширилди. Соғломлаштириш спартакиадаси саломатлики яшилди, спортнинг оммавийлигини ошириш, мусобақалар орқали дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашга, ёшларни фойдали спорт машғулотларига жалб қилишга хизмат қилиши билан гоёт муҳим аҳамият касб этади.

Ноила УМАРОВА,
Тошкент шаҳар агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси шаҳар кенгашининг раиси.



СПОРТ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

МЕХНАТКАШЛАРНИНГ СОҒЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, СПОРТНИНГ ОММАВИЙЛИГИНИ ОШИРИШГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА МУҲИМ ЎРИН ЭГАЛЛАЙДИ.

Бу борада тиббиёт ходимлари касабаси уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан қатор самарали ишлар қилинмоқда. Жумладан, тармоқдаги меҳнат ва ўқув жамоаларида режа асосида мунтазам равишда спорт мусобақаларини ўтказиш яқин айтилаётган. Шифокорлар спортнинг оммавийлигига эътибор қаратиш, мусобақаларда шахсан иштирок этиш орқали касални даволашдан аввал унинг олдини олиш афзал эканлигини амалда исботлаб, ибрат кўрсатмоқдалар.

Яқинда Яқасарой тумани ҳудудий тиббиёт бирлашмаси маъмурияти ва туман соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Кенгаши вакилиги ўзаро ҳамкорликда "Ижтимоий ҳимоя йили"га бағишлаб "Қушбеги" спорт мажмуида спартакиада ўтказилди. Спортнинг енгил атлетика, волейбол, стол теннис, шахмат, шашка каби турлари бўйича қизгин мусобақалар ҳамда "Отан, онам ва мен" оилавий беллашувлар гоёт ҳаяжонли дақиқаларга бой, муросасиз, қизиқарли бўлиб ўтди.

Волейбол бўйича ўтказилган баҳсларда "Тошқўмачи" тиббиёт-санитария бирлашмаси голиб чиқиб, 19-оилавий поликлиника иккинчи, 23-оилавий поликлиника жамоалари учинчи ўринларни эгалладилар.

Енгил атлетика бўйича беллашувларда 17-оилавий поликлиника жамоаси зафар қозониб, 23-оилавий поликлиника фахрли иккинчи, болалар юқумли касалликлари 6-шифохонаси жамоаси учинчи ўринни банд этдилар.

Умумкоманда ҳисобида эса "Тошқўмачи" тиббиёт санитария бирлашмаси жамоаси зафар қозониб, фахрли иккинчи ўрин 19 оилавий поликлиникага, учинчи ўрин эса 23-оилавий поликлиника жамоаларига насиб этди.

Муҳими, муваффақият қозониш билан бирга оммавий мусобақаларда фаол иштирок этиш, соғлиқни мустаҳкамлаш, спортни турмуш тарзига айлантиришга ҳисса қўишдир.

Гавҳар ИСЛОМОВА,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси СУРАТЛАРДА: спартакиада қатнашчилари.



Иқтисодиёт

«ДИЛСАРОЙ» МАҲСУЛОТЛАРИ

ЭЛИМИЗ ДАСТУРХОНИГА СИФАТЛИ ВА ДАРМОҶДОРЛАРГА БОЙ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШДА ИЗЛАНУВЧАН ТАДБИРКОРЛАРИМИЗ ПЕШҚАДАМЛИК ҚИЛИШМОҚДА.

Буни дўконларимиз пештахталаридан ўрин олган, чиройли қадоқланган, сифати ҳам талабга жавоб берувчи маҳсулотлар яққол исботлаб турибди. «Дилсарой» хусусий корхонасида ҳам Германия ҳамда Россия ускуналаридан самарали фойдаланган ҳолда бир неча турдаги гўшт ва қолбаса маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилган. Ҳозирда ушбу маҳсулотлар пойтахтимиз савдо шохобчалари орқали истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

—Маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё—гўшти фермер ҳўжалиқларидан шартнома асосида сотиб оламиз, — дейди корхона директори Қодир Сарабоев.—Бугунги кунда 9 турдаги қолбаса ва сосиска маҳсулотларини табиий қўшимчалардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқараямиз. Маҳсулотларимиз сертификатланган бўлиб, сифати ва қадоқланишига катта эътибор қаратаямиз.

Ўтган йилда тадбиркорлар томонидан 15 миллион сўмлик маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткични кўпайтириш кўзда тутилган. Шунингдек, харидор талаб ва эҳтиёжини ўрганиш асосида янги турдаги маҳсулотлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилади.

ПАРДОЗДА КҮП КЕЛАДИ

«AUBOND ROISON BUILDING TECHNOLOGY» ШЎҒБА КОРХОНАСИНИНГ ФАОЛИЯТ БОШЛАНИШИГА КҮП ВАҚТ БЎЛМАСАДА, БУ ЕРДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН БУНЁДКОРЛИК АШЁЛАРИ АЛЛАҚАЧОН ХАРИДОРЛАР ЭЪТИБОРИНИ ҚОЗОНДИ.

Шу боис ҳам айни пайтда қурилиш майдонларида ушбу қулай ва афзал, мустаҳкам ва қафолатли алюмин композиция безакларидан кенг фойдаланилмоқдаки, мазкур бунёдкорлик ашёси бино ва иншоотларнинг ташқи ҳамда ички кўрамлигида катта аҳамият касб этмоқда. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури асосида иш юритаётган корхона тадбиркорлари сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда хорижий линиялар қувватидан унумли фойдаланган ҳолда 51 фоиз маҳаллий хом ашё ишлатмоқда. Асосий хом ашё «Шуртангаз» кимё мажмуасидан олинмоқда.

—Тайёрланаётган импорт ўрнини босувчи қурилиш ашёларимиз республикамиз бунёдкорлигига қўл келиши баробарида хорижий давлатларда ҳам ўз харидорлари сафини кенгайтириб бормоқда,— дейди корхонанинг экспорт бўйича департаменти бошлиғи Ирода Ризаева. — Уларни ишлаб чиқаришда немис технологиялари асосида иш юритамиз. Чет эллик бюртмачиларимиз орасида эса Эрон, Афғонистон, Туркия, МДҲ давлатлари бор. Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизнинг 35 фоизи экспортга чиқарилаётган бўлса, келгусида ушбу кўрсаткични оширишни мўлжаллаямиз.

Бугунги кунда ўз йўналиши бўйича Марказий Осиёда ягона бўлган мазкур корхонанинг Россия, Қозғоғистон ва Дубайда Савдо уйлари ҳамда ваколатхоналари фаолият бошлади. Келгусида уларнинг сафини кенгайтиришга эришилади. Энг асосийси эса маҳсулот турларини янада янгилаб, жаҳон андозаларига мос товарларнинг экспорт ҳажмини ошириш, мамлакат иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўиш мақсади йўлида изланишлар олиб борилмоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АСОСИДА

ТОШКЕНТ ИССИҚЛИК ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯСИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА. РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ БУ ЙИРИК НУРХОНАДА ҚАЙТА ТАЪМИРЛАШНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ЯПОНИЯ ҲУКУМАТИ 24,955 МИЛЛИОН ЯПОН ИЕНИ МИҚДОРИДА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АЖРАТДИ.

Электр станциясини техникавий қайта жиҳозлаш жараёнида катор йирик иншоотлар бунёд этилди. Пар-газ қурилмаси қурилишини олиб боришга ҳам киришилди. 370МВт электр қувватига эга бўлган бу агрегат энг замонавий техникалар асосида юзага келади.

Тошкент иссиқлик электр станциясининг модернизация қилиниши ўлкамизни қўшимча электр қуввати билан таъминлаш имкониятини беради.

УЗЕЛДА ИШ ҚИЗГИН

ТОШКЕНТ МИНТАҚАВИЙ ТЕМИР ЙЎЛ УЗЕЛИДА ЮКИ ТУШИРИЛГАН ВАГОНЛАРГА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РЕЖАЛИ АСОСДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. БУ ЭСА ЮК ОРТИШ МИҚДОРINI ЯНАДА ОШИРИШ ИМКОНИНИ БЕРМОҚДА.

Айни вақтда юк саройларини бунёд этишга киришилди. Чунони, Назарбек бекатида янги ишга тушган юк саройида юк тушириш ва ортиш ишлари тезкорлик билан олиб борилмоқда.

Эндилдида узелнинг Сергели ва Собир Раҳимов бекатларида ҳам юк саройларини барпо этишга киришилди.

ТАЛАБАЛАР ИХТИРОЛАРИ

«ТАЪЛИМ ВА МУТАХАССИСЛИК» ИККИНЧИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИДА «ЁҚИЛГҲ АРАЛАШМАСИНИ ТЎЗИТУВЧИ МОСЛАМА» ҲАМДА «ҲАВО ТУТГИЧ» ҚУРИЛМАСИ ҲАМ МУВАФФАҚИЯТЛИ НАМОЙИШ ҚИЛИНДИ. ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ВА ЙЎЛЛАР КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН БУ ТЕХНИКА ИЖДОҚОРЛИГИДАН АМАЛИЁТДА ФОЙДАЛИНАДИ.

«ЁқилгҲ аралашмасини тўзитувчи мослама» бензин ёниги билан ишлайдиган ЗИЛ-130, ГАЗ-53А, ГАЗ-24 русумли автомобиллар учун мўлжалланган бўлиб, транспорт воситалари двигателига мустаҳкамланади. Тузатишни яхшилаш ҳисобига ҳар 100 километр юрилганда 4 литр бензин тежалади. Мосламани жорий қилиш натижасида 20 минг сўм иқтисод қилинади.

Акбар АЛИЕВ

Китобхон иқтидорли шоир Азим Суяюннинг бетақроқ шеърларини ўқиганда доимо ички бир туйғу унга: «Азим Суён ўзбекининг ўз шоири», дея хайкиргандай бўлади. Чунки бу шеърлар инсонга ҳис-ҳаяжон бахш этади, уни ўйлашга ва тафаккур қилишга ундайди. Қолаверса, бу шеърлар инсондаги одатдаги мувоzanатни бузди. Янги фикрлар ва ҳаяжондан туйғулар қурошида қолган дил ва кўнгил шодланади.

Шоирнинг 2007 йил бошида chop этилган «Ватан фасллари» номли янги шеъррий китоби муҳлисларга унинг бир ажойиб тўхтаси бўлди.

Ушбу тўпламни мутолаа қилар экансиз, шеър мисралари гўё хаёлингизда чамқокдек чанқайди. Бир қанча вақтгача бу нури сатрлар ёдингиздан қочмайди. Шунда сўзинг илоҳийлигига иймон келтирасиз. Хайрат, дунёда шайриятдек буюк мўъжиза борки, инсонни

гиндан ажралиш азоб. Оғриқ бўлсада бу ҳолатни у чироили тасвирлайди. Шоир табиати, наботот оламини нақадар яхши кўришини, юртимизнинг ҳар гўёху тошларининг фаслларда ўзгардиши ҳам уни бефарқ қолдирмаслигини шеърга солади.

Азим Суён — табиат ва Ватан куйчиси. Табиат гўзалликлари уни ўзига шайдо қилган. У дулдуд чоптириб рохат қилади. От—ийигининг сўнмас бахти деб ҳисоблайди шоир. Она-табиатдан илҳомланиб, оймамога шеър ўқийди. Юлдузларга боқиб, истикбол ҳақида ўйлайди. Унинг фикри тоза, орзу ўйлари бегубор, мисралари жозибador ва таъсирчан.

Пойтахтда яшаб туриб, олисларда қолган қоялар бағридаги «қулба»сини, отасидан қолган чорбоғларни, сирларига сирдош буйдор термақларни, бургуту тўрайларни, қаклиму сорларни соғинч билан эслайди. Ушбу ҳиссиёт уни бегубор болаликка, ўзи яшаган қишлоқ-


қунак жимлигига маҳлиё бўлибгина қолмай, бу кечада «ойга қараб увиллаётган» бурлар, қашқирлар галаси ҳам борлигини таъкидлаб, «Гўдакларни босиб бағрига, хавотирда мудрайди қишлоқ» дея қишлоқ, одамлар дардига шерик бўлиб, уларни оғоҳликка чақиради.

Шоир жони—сўз ва меҳр билан тирик. Унинг сўзи шеърларига сингишиб ошуфта қалбларни оромларга солиб тўлқинлантираверади. Сўз сеҳридан руҳланган, гайратли тўлиб-тошган халқ эса бунёдкорликлар қилишга, шу она замин учун хатто, фидо бўлишга ҳам қодир.

Хаёт фақат шодликдан иборат эмас. Унда бахт билан бирга оғриқли ташвишлар ҳам бор. Шоир хаёт ташвишларидан озор чеккан пайтда олислар «Чанқовузнинг сеҳрли овозини эшитгандек бўлади. Кўз ўнгиде қия-қия уяётган қирғилар, ожиз боқаётган кўзтикан жонланади.

Маҳалланг — ота-онанг

РЕЖАДИ ИШЛАР САМАРАСИ



МАХАЛЛА ИДОРАСИГА ҲАР КУНГИДАН ЭРТАРОҚ ЧИҚҚАНДИМ, КИРАВЕРИШДАГИ МАЙДОНЧАНИ КЎЗДАН КЕЧИРАЁТГАН РАИСИМИЗНИ УЧРАТДИМ. ЯҚИНЛАШИБ САЛОМ-АЛИК ҚИЛДИМ.

— Одатим бўйича бугун Новза, Қозиробод кўчасидаги 6-, 7-, 8-, 12-кўп қаватли уйлар атрофини айланиб чиқиб, бу ерга келган эдим. Мана бу арчалар ўтган йили май ойида экилганди. Хаммаси яшнаб турибди,—деди оқсоқол,— тажрибадан маълум бўлдики, экиш билан бирга эринмай уни парваришlash ҳам керак экан.

Мана тўрт йилдири, Комилжон Қаюмов Чилонзор туманидаги «Кичик Дўмбиробод» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси, ўзи ҳам шу маҳаллада туғилиб ўсган. У «Дўмбиробод» маҳалласидаги 131- мақтада ўрта маълумотни олди. Кейин Тошкент автомобиль ва йўллар институтини аълога тамомлади.

31 йил давомида «Тошшаҳартранс» уюшмасида турли вазифаларда ишлади. Дўмбиробод маҳалласи Тошкентдаги энг катта маҳаллалардан бири эди. 2003 йил 9 декабрда бу маҳалла иккига бўлинди. У «Катта Дўмбиробод» ва «Кичик Дўмбиробод» маҳаллаларига ажралди. Комилжон Қаюмовни «Кичик Дўмбиробод» маҳалласига раис этиб сайлашди. Тез орада, маҳалла оқсоқолининг саъй-ҳаракати, ташкилчиллиги ва маҳалладошлар кўмаги, хусусан ҳомийларнинг маблағи билан, чиқинди тўпланиб ётадиган майдонда «Кичик Дўмбиробод» маҳалласининг янги гузарни қурилди. Инсон қўли гул. Унинг меҳнати билан чўл ҳам бўстонга айланади. Маҳалла гузарни қурганда беихтиёр ушбу гаплар ёдга тушади. Бу ишда маҳалла фаолларидан Шуқурхон Раҳмонов, Хасанхон Ахроров, Нурмат Ҳикматуллаевларнинг ҳиссаси катта бўлди. 2006 йил 30 майда бу салобатли, гўзал бинонинг очилиш маросими катта тантанана айланди.

Халқ ишончини оқш оқсоқолнинг асосий иши эканини оқсоқол жуда яхши тушуниди. Янги идоранинг очилишида, маҳалланинг ҳисобот-сайдлов йиғилишида меҳмонлар, маҳалла аҳолиси ва фаолларнинг билдирган фикр ва мулоҳазаларини у ўзига режа қилиб олди. Унинг таллаган йўли—йилнинг ҳар чорағида эки керак бўлган вақт халқ олдига ҳисобот бериш ва одамларнинг фикрини, талабини эшитиш бўлди. Шу аснода раис ўз атрофига маҳалладаги ишбилармонларни тўплади. Янги гузар рўпарасида чироили иморат — чиқиндиларни тўплаб жўнатиш пункти қад кўтарди. Бу озодалик-саломатлик учун муҳим омил бўлди. Шундан келиб чиққан ҳолда маҳалла худудидаги икки жойда: бири маҳалладаги «Кўёшча» деб аталувчи боғча ёнида, иккинчиси тиббиёт академияси ётқонхонаси ёнида мана шундай пункт қурилиши мўлжалланди. Шунингдек, айна қунарда «Ижтимоий химоя йили» давлат дастури ижроси йўлида Новза, Қозиробод кўчасидаги 6,7,9,12-кўп қаватли уйлар ўртасидаги очик жойда болалар учун ўйин майдончасини қуриш мўлжалланмоқда.

Комилжон Қаюмовни ҳар кун эрталаб, маҳалланинг ҳар бир кўчасида уч-рўтасиз, у эрталаб қўрганларини идорага келиб мулоҳаза қилади. Битган ишлардан кўнагани. Битмаганини ўзининг қўндалик иш режасига киритади. Одамларнинг яраш шароити билан қизиқади. Беморларнинг уйларига бориб кўра-

ди. Яқинда, Хотира ва Кадрлаш кўни олдидан маҳаллаимизда яшовчи, иккинчи жаҳон урушида иштирок этган 21 кишига совғалар топширдик. Оқсоқол кўп ишда ташаббус кўрсатадилар. Ҳар бир байрам, шонли саналарда маҳаллада «Меҳр қолур, оқибат қолур», «Энг одил қайнона», «Аёл билан олам мунаввар» деб номланган тадбирларни ўтказиш аҳмадан айланб қолган. Бу ишда раисимизга маҳалла фаолларидан Маъфура Зухурова, Муяссар Мирхамидова, Матлуба Эргашева, Шоира Маликовалар сидқидилдан ёрдам бериб келмоқдалар. Яқинда аёллардан 58 нафарини Самарқанд ва Бухорога, тарихий жойларни зиёрат қилиши ташкил этилди. Шунингдек, элимиз ардоғидаги санъаткор Озодбек Назарбековнинг хайрия концерти маҳалланинг янги гузарда ташкил этилди. Бу концертни бутун маҳалла аҳли мириқиб томоша қилди.

Оқсоқол ҳаммаша оила муқаддаслигини тақдирлайди. Қўни кеча Республика Президентининг «Еш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилиниши билан оқсоқол маслаҳатчилари ва кўна бошиларни йиғиб, уларнинг фикрини эшитиб, Президент Фармонини амалга оширишда маҳалланинг вазифалари ҳақида режа тўзиб олди.

Маҳалла ободлиги оқсоқолнинг ҳаммаша диққат марказида бўлиши, шунингдек «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишда энг намунали маҳалла» республика кўрик-танлови Низоми ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Хомийлик тўғрисида»ги Қонуни маҳалла фаоллари учун қўллашма бўлиши керак,—дейди у.

Маҳалла идорасининг маърифат ва маънавият залига киришингиз билан «Олтин оловда, инсон маҳаллада тобланади», «Маҳалламизнинг келажиги ўзимизга боғлиқ» деган шioriлар кўзга ташланади. Бизнинг бу шioriларга ҳаммаша амал қилишимизни маҳалламизга келган киши дарҳол сезади.

Ёшларнинг тўғри йўлдан юриши кераклиги маҳалла фаолларининг доимо диққат марказида. Айнақча юяга етмаганлар тарбиясини мустаҳкамлашга муҳим эътибор қаратилган. Бу ишда маҳалла профилактика инспекторлари капитан З.Ёвқочев, катта лейтенант З.Эргашев унинг энг яқин кўмақдошларидир. Фикримизни мухтасар қилиб айтганда бўлсақ «Кичик Дўмбиробод» маҳалласида қисқа вақтда катта ишлар амалга оширилди. Буларнинг ташкилотчиси тинчи-тинчимас Комилжон ака Қаюмов бугун умрларининг камолот чўққисидалар. Биз маҳалла фаоллари, катта-кичик раисимизнинг ишларига ривож толаб, умрингиздан барака топинг, оқсоқол деймиз.

Йўлдош МАНСУРОВ,
Чилонзор туманидаги «Кичик Дўмбиробод» маҳалласи котиби, журналист

СУРАТДА: «Кичик Дўмбиробод» маҳалласи оқсоқоли Комилжон Қаюмов маҳалла фаоллари билан келгусидаги режалар ҳақида маслаҳатлашмоқда.

Таълим

ЎЗБЕК ТАЛАБАСИ — ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ГОЛИБАСИ

ЖАНУБИЙ КОРЕЯНИНГ КЕНГ ХИ УНИВЕРСИТЕТИДА ХОРИЖЛИКЛАР УЧУН КОРЕЙС ТИЛИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТАНЛОВ БЎЛИБ ЎТДИ.

У «Ойла» ва «Корейс маданияти билан танишиш тажрибаси» мавзулари бўйича ўтказилди. Тадбирда жаҳоннинг 27 мамлакатидан вакил бўлган 873 нафар катнашчи, жумладан, Кенг Хи университетиде тахсил олаётган чет эллик талабалар ҳам иштирок этди.

Кенг Хи университетининг ўзбекистонлик талабаси Наталья Ким «Ойла» мавзуи йўналишида танлов голиблигини қўлга киритиб, Корея Республикаси маданият ва сайёҳлик вазирлигининг қимматбахор совғасига сазовор бўлди.

Мазкур университетнинг Интернет нашрида таъкидланганидек, танлов давомида томошабинлар беллашув иштирокилари томонидан намойиш этилган турли мамлакатларнинг миллий либосларини кўриш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

Корейс тили бўйича мазкур халқаро танлов 1446 йили хангил корейс ёзувини амалиётга киритган кирол Сежоннинг тутилган кунни хотираси шарофига Кореяда яшовчи ва тахсил олувчи чет эллик фуқаролар учун ўтказиладиган анъанавий анжуман тусини олган. Бу йил ушбу танлов ўнинчи мартаба ўтказилди.

«Жаҳон» АА
Сеул

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ

ШАЙХОТХОҲУР ТУМАНИДАГИ 448-МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ ТАҚДИМИ БЎЛИБ ЎТДИ. МАЗКУР ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ БЎЙИЧА КЎЧМАС ТРЕНИНГ ГРУҲИ ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН.

ЮНЕСКО ташкилотининг барқарор тараққиётнинг ўн йиллиги дастури доирасида амалиётга тадбиқ этилаётган ўрта инновацион лойиҳаларнинг бири бўлган Инклюзив таълим — имконияти чекланган болалар ва ўсмирларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, уларни умумтаълим муассасаларига тўлиқ ўқишни ифодаловчи таълим тизимидир. Унда асосий эътибор кўнгли ярим, меҳрга муҳтож, мурғак қалбларни соғлом тенгдошлари қаторида таълим олишни таъминлашга йўналтирилган. Инклюзив таълимда бироз аралашган мактаблар модели ҳам жорий этилган. Унда инклюзив таълим мактабларини педагогик фаолияти билан таъминлаш ҳам кўзда тутилган.

Семинарда инклюзив таълимда кадрлар масаласи атрофича муҳокама қилинди. Шунингдек, тадбир доирасида биринчи июнь — «Халқаро болаларни химоя қилиш кўни»га бағишланган байрам тадбири ҳам ташкил этилди.

ТАЛАБАЛАР ҲАЁТИ ОБЪЕКТИВДА

ТОШКЕНТ ФОТОСУРАТЛАР УЙИДА «ЎЗБЕКISTON МАДАНИЯТИ ВА САҢЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ, «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ ТАШАББУСИ БИЛАН «ТАЛАБАЛАР ҲАЁТИ ОБЪЕКТИВДА» ДЕБ НОМЛАНГАН ФОТО КЎРГАЗМА ЎТҚАЗИЛДИ.

«Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази 2006 йилдан буён фаолият юритмоқда. Хозирги кунда марказ атрофида беш юзга яқин ёшлар «Маданият ва саънат», «Ёшлар ахборот маркази (ОАВ)», «Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш», «Ахборот технологиялари», «Интеллектуал клублар ассоциацияси» ва «Таълим» каби йўналишда ўз қизиқишлари бўйича бирлашиб, янги лойиҳалар устида иш олиб бормоқда. «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази хозирги кунда беш мингдан ортиқ аъзоларга эга.

«Талабалар ҳаёти объективда» деб номланган лойиҳа тўртта мамлакатда: Ўзбекистон, Россия, Польша ва Германияда ўтказилмоқда. Хозирги кунгача Хабаровск (Россия), Ольштем (Польша) ва Констанц (Германия) каби шаҳарларда фото кўргазмалар ташкил этилди. Тошкентда ўтказиладиган фото кўргазма эса лойиҳанинг охириги ва якуновчи қисмидир.

Хозиргача кўргазмада катнашиш истагида бўлган ўнлаб талаба ёшларимиздан ижодий ишлар қабул қилинди ва нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилди. Шулардан 12 таси танлаб олинди. Кўргазмада тўртта мамлакатдан жами 45 та ишлар намойиш этилди.

Лойиҳанинг ўтказилишидан асосий мақсад иқтидорли, фото саънат соҳасида илк қадамларини ташлаётган ёшларимизни маънавий қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шарт-шароитларни яратиш, шу билан бирга талаба ёшларни ижтимоий ҳаётда янада фаол бўлишга қўрлашди. Мамлакатимиз номидан ушбу фото кўргазмада катнашаётган талаба ёшлар ишлариде хозирги кунда талабаларимизга яратилган шарт-шароитлар, замонавий ўқув даргоҳлари, уларнинг қўндалик ҳаётлари акс этган.

Рустам ХАЙДАРОВ,
«Туркистон-пресс»

Санъат

ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИКДА 10 ЙИЛ

БУНДАН 10 ЙИЛ МУҚАДДАМ ЯПОНИЯ САҲНАСИДА «ЗОЛУШКА» СПЕКТАКЛИ ҚЎЙИЛГАН ЭДИ. КОМПОЗИТОР СЕРГЕЙ ПРОКОФЬЕВНИНГ БУ МАШҲУР БАЛЕТИ ЎЗБЕК ВА ЯПОН ХОРЕОГРАФИ САҢЪАТИ УСТАЛАРИ ҲАМКОРЛИГИДА ЯРАТИЛГАНДИ.

Гап шундаки, 1997 йилнинг баҳориде Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театри билан Япониядаги «Тойота сити балет» труппаси ўртасида ижодий алоқа йўлга қўйилди. «Золушка» спектакли ана шу ҳамкорликнинг дастлабки маҳсули янглиғ саҳналаштирилди.

Бу борада «Тойота сити балет» труппаси Ўзбекистонга бир неча бор гастролга келди. Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театрининг балет усталари яқин орада Японияга ижодий сафарга отланади.

Шу муносабат билан театр «Урашим Таро» номли спектаклни тайёрлади. Бу асар учин халқи ҳаётидан олиб ёзилган бўлиб, у Ўзбекистон халқ артисти Иброҳим Юсупов либреттоси ҳамда бастакор Феликс Янов-Яновский мусикаси асосида юзага келди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотида номзодлар МАНГУЛИК ПАҲЗА БОР ШУВОҚ ИСИДА

юксақликка ундайди, руҳландиради, ёлғизлиқни қилишига йўл қўймайди.

Шоир ёзувчи сингари қаҳрамонларнинг характери оғиб бериш, ҳаётини мушоҳада қилиш, образли ташбеҳлар топши билан чекланиб қолмасдан, ҳис ва фикрдан ташқари башорат ҳам қилади. Руҳий сезимлари гўя хайратли унинг.

Баъзан адабий баҳсларда «Кўпгина яхши шоирлар ўзининг шахсий дардларига ўралашиб қолган, ўзини тақдорлайди, ўзидан чиқолмайди. Шунинг учун кўп шоирларнинг шеърлари бир-бирига ўхшайди», деган мулоҳазали фикрларни эшитамиз. Бироқ Азим Суяюннинг шеърларини майдондаги овози, сўз йўли ҳеч қайси ижодкорнига ўхшамайди. Қалби кенг, тасаввур ва фалсафаси ниҳоятда бой бу шоир. Ўзбекистонда яшаб туриб ҳам у дунёнинг бир четиде содир бўлаётган воқеалардан озор чекади, инсоният ҳақида қайғуради, она заминни асрашга чорлайди.

Бени шарафлайман
Буюк жасорат...
Одамзот қалбини тарқ
этсанг агар
Оламни босард
дўзахий андух,
Бемаъно ашарди,
Заминда башар
Мангу шараф сенга эй,
халоскор Рух!

Шоир «Ватан фасллари» да бекорга «Энг буюк жасорат Ватан тақдирини йўлида қўлинган жасоратдир», деб айтмайди. Она-юрт ҳақида ёлғон хислар билан ёзиб бўлмайди. Тўпламдаги Ватан ҳақидаги шеърлар юрак тўбидан отилган қалб нидоларидир.

Угли эҳтирос ва гўзал туйғулар билан битилган мана бу мисралар ҳар қандай қалбни жунбўшга келтирмай қўймайди:

Эсим кетган, қай дарёда
чўмиламан,
Сочларининг орасига
қўмиламан.
Шоир Азим шоир умрин
яшаб ўтгай,
Бу дунёда қандай ундан
айриланам.
Шоир қалби ҳар доим мўъжиза яратишга шай. Сев-

нинг бетақроқ гўзалликлари ва бетимсол бегуборликлари сари етаклайверади, етаклайверади. У ўзбекининг мардлағидан, эркесварлигидан қўқисиде фанг туяди. Юксак ифтихор билан у:

Ангиз ўсган ерларда
отлар бевакт ўлмагай,
Яхши бўлса аёллар эрлари
юзи сўлмагай.
Кайси юртда чинакам
ботир эрса йигитлар,
Ушал юртнинг эллари
ёвларга қул бўлмагай,
— дейди.

Қалбнинг бир бурчиде яшириниб ётган шувоқ исидеги «мангулик паҳза»лар унга қуч-ғайрат бахш этади. Азим Суяюннинг табиат манзараларини акс эттирган шеърларини диққат билан синичлаб ўқисангиз, баъзан у тасвириладган хаёт худди тассаввур асаридек кўз ўнгингизда намён бўлса, баъзан чанқовузнинг овози, қаккиллашнинг сайраши, серкаларнинг кўнгириги, даракларнинг сирли шивирлашлари эшитилгандек бўлади. У сўлим табиат, чироили манзаралар орқали Ватанга бўлган меҳру садоқатини акс эттиради. Шоирнинг соғинч тўла хайкирликларии беихтиёр сизга ҳам юқади. Буни айникса, «Соғинч қўшиғи», «Тераклар», «Тоғ қўллари», «Булутлар йиғини» каби қатор шеърларида кўришимиз мумкин. Шоир она табиат ҳақида чексиз меҳр билан ёзаркан, чироили ўхшатишлар қилади, янги ташбеҳлар ва ўзига охсанглар топайди. У «Шом шафағи» тушган киш чилласини қуйидагича тасвирлайди:

Бунда тўхтаб қолган
жилгалар
Тўниб қолган юлдузлар
кўқда.
Шода сирга таққан
жингиллар
Букчайишиб турар оқ
юқдан.

Азим Суяюннинг ўзига хослиги шундаки, у кўз илғамас оддий ҳодисадан катта фалсафа яратадиган ва ўзи кашф этган ана шу ҳақиқатга ўқувчини ишонтира олади. Шоир тасвирини давом эттирар экан, у нафақат ойдан оқшомнинг сирли қўришларини, балки «қорли салтанат» гўзалликлари, су-

Жарликларинг, ҳов,
пастиде
Парча булут қўлкасида
Кўлмак—ҳовуз ётар
пишиб
Бир бақковқонинг
тўсийдай.

ёки
Ковжираган қўзиқулук,
Соясиде тўрғай қўнок.
Оқитириб тилчасини
Қираб кетган инжа
томок.

Ана шу қакраб кетган инжа томолар шоир юрағига галаён ўйғотайди. «Довушда армон кўп» чанқовузнинг ўтли нолалари уни ўзига қорлагандек бўлади.

Шоир миллийлик билан бирга умуминсоний қадриятларни ҳам улғулайди. Бирде «Миллатим қизлари» деб фахрланса, бирде япон ва вьетнам қизларининг дардиға ошайди. Шунингдек, «Гўзал Форнарина—Рафаэл шони, дилбар Биатриче—Данте илҳомидан илҳомланади.

Дунёда эгуликлар хилма-хил. Бироқ булар ичиде она-Ватан учун қўлинган эзгулик ҳаммасидан ҳам улғурди. Кимки, Ватан учун ўз оромидан кечиб хизмат қилган бўлса, билинги, у шубҳасиз, ўз номини катта ҳарфлар билан адабийлик китобига муҳрлагани аниқ.

Шоир ўзи босиб ўтган ойдин йўлдан ўзи хурсанд. Ҳаётидан ва кўрганларига шукроналик билан ҳамон изланапти. Баъзан гайратли ва шижоатли ёшлигини кўмсайди.

Иходор ўз шеърларида халқ озғани ижодидан ҳам моҳирлик билан фойдаланганки, у ўқувчи қалбини ҳаяжонлантирмай қўймайди. Шоирнинг чашма каби отилиб чиққан мисраларга бой бу асарии ўзбек адабиётинда Ватаннома сифатида ўзига хос ўрин туғайди. Шунинг учун ҳам бу китоб муаллифини Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотиға энг муносиб номзод деб ҳисоблаймиз. Ва бу борада ҳиссоси шоирга юксак мақсадға етишув йўлида омадлар тилаб қоламиз.

Ханифа СОЛИХОВА,
филология фанлари
доктори, профессор,
шоира
Ўктамой,
Адиба УМАРОВА,
шоиралар

Мактаб, сени битирдим
бузун!

Ун еттида ёшганим ҳозир,
Ҳаёт энди эмас унча сир.
Қайда бўлмай, мен сени
мактаб,

Кўп миннатдор юрарман,
мактаб!

Ҳаёт китобидан сиз тинмай,
Дарс бердингиз ҳеч бир
эринмай.

Раҳмат сизга азиз устозлар,
Пок дил сизни мангу эъзозлар!

Рухим тетик, кўнгли беҳад
шод,

Салом сенде мустақил ҳаёт.
Вужудимда жўшар ҳаяжон,
Сен ахшисан, мактаб
жонажон!

Кетаялман эшикни очиб.

Ястангандир олдиде тоғлар,
Очилмаган ўрмонзор, боғлар,
Сўқмоқ йўлдан қўшиш, айирши
Аро кетсам бирдан айрилиш!..

Кўпайтирув, бўлув ва яна
Гап бўлаги қўлар танманга.
Қовоқ солиб, Паскаль ўқи, дер,
Юрагимни Машираб юки ер.


Ломоносов, Менделеев, Бобур,
Юмаоқ ер, бардошу сабр... Қайтар дунё турфа ишин

Биламан мен ёр ташвишин
ҳам!

Очилмаган кўзлар очилган,
Йўллариға гуллар сочилган,
У гулларнинг буйларии кўкна,
Ўйинлари, қуйлари кўкна!

Ҳар бир юрак янглир эшикни,
Кечариб ёз, баҳорини, қишини.
Устозларим сабогини олиб,

Яшарман бу йўлларда голиб.



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ХИКМАТЛАР

Ошно, дўст бўлмагил гофил била, Дўст тутин, дўст бўл фақат оқил била.

Кундузи бир кимса изларкан қароғ, Бул далилким, унда йўқ кўзу қароғ.

Кемаким, ахлат ташийдир ҳар тараф, Дур тўла денгизга ундан не шараф?

Эй дарифо, дийдаким эрмиш сўқир, Офтобни зарра янглиғ кўрмас ул.

Келди ул маъшук сўроқлаб уйига, Кирмади бадбахт муҳаббат кўйига.

Икки бармоқ ўртасинда бу кўнги, Гоҳи маъюс эрса, гоҳи хурсанд ул.

Сиз кўриб, кўрмасга олғайсиз магар, Кўзларингизни келиб очгай ажал.

Куйлади Довуд, чу тошлар бўлди сув, Етмади лекин дили тошларга у.

Эҳтиёт не? Ишни салмоқлаш демак, Икки тadbирдин бирин танлаш демак.

Дон сочур сайёд макрлар айлабон, Дон агар пайдо эрур, офат ниҳон.

Дард келиб, устинга ёпирилган замон, Юмшагай хирсингни тутган устухон.

Ношукур эрсанг, сенга неъмат қани?

Шукр агар жон эрса, неъмат пўст анга, Шукр ила келгай висоли дўст сенга.

Неъмат ул-ғафлат, шукр-огоҳлик ул, Дом этиб шукрингни, неъмат овлагил.

Жаҳд ила тоғлар бўлурму хору хас?

Тошга олтин бўл, дейиш, бехуда, бас, Мисга олтин бўл, дейиш, бехудамас.

Кумга балчиқ бўл, дейилса, ожиз ул, Лек десанг тупроққа андоқ, жоиз ул.

Дард магар бежиз эмас, дармон ҳам.

Аксари дардларга дармон бўлгуси, Изласанг қатъий туриб, топилгуси.

Қанд касал сувлар ичаркан, қонмагай, Ичса дарёни, жигарга томмагай.

Неча бир иш мушкул эрди бошда, Ҳаммаси ҳал бўлди журъат қошида.

Келса маъюслик, кейин уммид келур, Кеча кечгай, ортидин хуршид келур.

Кўнглимиздек гулшан ичра гул қани?

Кечмасайди кеча-кундуз, ою йил, Кексалик келгайму эрди, ўйлагил.

Бир табиб гўра ема, деса магар, Хасталик етгай, етишгай шўру шар.

Сен десанг, қўй, бул хайрсиз фол эрур, Бул уни тухматга қўйгонинг бўлур.

Ким ёмондир, беомонлик айлагай, Яхшилик этсанг, ёмонлик айлагай.

Сабр ила нафсинга этгил қаршилик, Ул ёмондирким, ярашмас яхшилик.

Яхшига бир карра эҳсон айла, бас, Етти юз эҳсон ила бергай эваз.

Гар ёмонга айласанг қахру жафо, Сенга банда, қул бўлиб, этгай вафо.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

ЭРТАМИЗ ДАВОМЧИЛАРИ

БОЛАЛАР— КЕЛАЖАГИМИЗ, ЭРТАМИЗ ДАВОМЧИЛАРИДИР. МАМЛАКАТИМИЗДА БОЛА ХУҚУҚЛАРИ ДОИМО ҲИМОЯДА, УЛАРГА ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН КАТТА ЭЪТИБОР ВА ГАМХЎРЛИКЛАР КЎРСАТИБ КЕЛИНМОҚДА. БОЛА ХУҚУҚЛАРИ АВВАЛАМБОР БОШ ҚОМУСИМИЗДА, ОИЛА, ФУҚАРОЛИК, МЕҲНАТ КОДЕКСЛАРИДА ВА БОШҚА ҚОНУНЛАР БИЛАН ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИ.

Бугун жамиятимизда камол топаётган болаларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувват-

лаш, уларнинг саломатликларига, таълим-тарбиясига муҳим эътибор қаратилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган Фармон ва қарорлар, Давлат дастурларининг асосий ва бош мақсади ҳам оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Кунни кеча Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Халқаро Болаларни ҳимоя қилиш куни ва Ижтимоий ҳимоя йилига бағишлаб Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, Юнусобод тумани ФХДЭ бўлими ташаббуси билан туман хотин-қизлар кўмитаси, «Оила» маркази, «Маҳалла» жамғармаси, Республика «Соғлом оила» маркази, Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи Маънавият тарғибот бўлими,

«MUCOS PHARMA» тиббиёт дори-дармон фирмаси ҳамкорликларида «Бола ҳуқуқи ва ижтимоий ҳимоя» мавзусида ўтказилган илмий-амалий анжуманда ҳам бола ҳуқуқлари, оилалар фаровонлиги ҳақида гап борди. Ушбу тadbир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ташқи сиёсат масалалари кўмитасининг 2006 йил 14 декабрдаги «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Конвенцияси қоидаларининг жойларда бажарилишини таъминлашга бағишлаб ўтказилди.

Анжумани Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғининг Маънавият тарғибот ишлари бўйича раҳбар ўринбосари Музаффар Жъфаров олиб борди. Тadbирда шунингдек Ўзбекистон Респуб-

ликаси Хотин-қизлар кўмитасининг маслаҳатчиси, тиббиёт фанлари номзоди Наима Холмухамедова «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Конвенцияси ҳақида, Юнусобод тумани ФХДЭ бўлими мудир Марҳамат Йулдошева «Ижтимоий ҳимоя—устувор вазирамиздир», Юнусобод тумани «Оила» маркази раҳбари Адиба Камолова «Аҳоли орасида, айнисса вояга етмаганлар орасида ВИЧ/ОИТС ва гиёвандликни профилактика қилиш ҳамда олдини олиш—соғлом турмуш тарзи қафолати» ва бошқалар ҳам шу каби мавзуларда сўзга чиқдилар.

Савол-жавоб, баҳс-мунозаралар ҳамда кувнок куй-қўшиқлар остида ўтган мазкур анжуман йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: тadbирдан лавҳалар. Раҳмонберди Исмолов олган суратлар

Шаҳримиз музейларида ЎЗБЕКИСТОН ДЎППИЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

ШУ КУНЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН АМАЛИЙ САНЪАТ МУЗЕЙИДА ХАЛҚАРО МУЗЕЙЛАР КУНИГА БАҒИШЛАБ МУЗЕЙ ФОНДИДА САҚЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ДЎППИЛАРИ КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА.



Айтиш жоизки, Ўзбекистон халқлари ўзларининг кўп асрлик тарихий ҳаёти жараёнида халқ амалий санъатининг ажойиб намуналарини яратганлар. Амалий санъатнинг тарқалган турларидан бири — дўппилар бўлиб, у аёллар, эркаклар, болалар миллий либосининг ажралмас бир бўлагини ташкил қилади. Санъатнинг бу тури ҳозирги кунда тўлалигича сақланиб, авлоддан авлодга ўтиб келмоқда.

Қадимдан эркаклар дўппиларини жуда қадрлаган. Биронинг дўпписини бошидан тушириб юбориш жуда қаттиқ қаҳоратлаш билан тенг бўлган. Кўпинча «Бошинда дўппинг борми?» ибораси қўлланилган.

Моҳирлик билан қўлда тикилган дўппилар нафақат бизнинг мамлакатимизда, хатто чет элларда ҳам кенг тарқалган. Ўзбек каштачилари томонидан яратилган дўппилар Ўзбекистон музейлари билан бир қаторда чет эл музейлари кўргазмаларини ҳам беэза турибди.

Ўзбекистон Амалий санъат музейи захирасида мамлакатимизнинг ҳамма

вилоятлари ва мактаблари дўппиларининг бой тўплами жамланган.


Дўппилар кўриниши, нақш услублари, бадиий рамзлар уйғунлиги билан бир-биридан фарқ қилади. Ҳар бир вилоят дўппиларининг тайёрлалишида шу жойнинг табиий шароити, атраф-муҳит, аҳоли турмуш тарзи ва маҳаллий анъаналарнинг тарихий ривожланиши катта таъсир қўрсатган.

Масалан, Сурхондарё ва Қашқадарё (айниқса Бойсунда) думалок, куббасимон кўринишдаги дўппилар, ёрқин, бир-биридан кескин фарқ қиладиган ипплар билан тикилган бўлса, Бухорода кўпроқ зар ипплар билан тикилади. Келиб чиқишига қараб Фарғона дўппилари қадимийроқ ҳисобланади. Чуст, Марғилон, Кўкон, Андижон, Шаҳрисабз «Гилам дўппи»лари ўзининг «Ироқи» услубида тикилганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Тошкентда аёллар дўппилари «Ироқи» услубида тикилган бўлиб, асоси оқ рангда ва ранг-баранг гуллар тасвирлаш кенг тарқалган. Дўппилар тикилган жойига қараб баъзан: «Чуст дўппи», «Кўкон дўппи», «Шаҳрихон дўппи», «Марғилон дўппи», «Гилам (Шаҳрисабз) дўппи» ва бошқача аталади. Қийган дўпписига қараб кимнинг қаерданлигини ажратиб олиш мумкин бўлган.

Бу кўргазма музей захираларида сақланаётган санъат асарлари ҳисобланиб ушбу тартибда: Шаҳрисабз «Гилам дўппилари», Бойсун, Тошкент «Духоба дўппилари» ёки «Чоргул»,

«Оқлар» жамланган.

Кўргазмадан дўппилар мактаблар хиллари бўйича ўрин олган бўлиб, биринчи бошланишида Шаҳрисабз гилам дўппилари, Бойсуннинг пилтадузи, Марғилон-Тошкент «Оқ ироқи» аёллар дўппилари, лақай ўзбеклари сўнгра Тошкент — Андижон мунчоли «нозик» деб аталувчи дўппилари кўрсатилган. Охири витринада Бухоронинг ўзига хос дўппилари намойиш этилган. Залнинг марказида эса тус дўппи деб аталиб келинган Чуст дўппининг турли намуналари эътиборингизга ҳавола қилинади.



Кўргазма Ўзбекистонлик ва чет элдан келган томошбинларда катта қизиқиш уйғотмоқда, у 10 июнча давом этади.

Раҳматхон АКМАЛОВ СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Давлат амалий санъат музейидан ўрин олган миллий санъатимиз намуналари.

Муаллиф олган суратлар

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР ТАРҒИБОТИНИ КЕНГ ОММАГА ЁЙИШ, ХУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛАРГА АСОСЛАНГАН ЯНГИ ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ ПОЙДЕВОРИНИ МУСТАҚАМЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛИБ КЕЛИНМОҚДА.

Тadbирлар

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Айнисса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августда қабул қилинган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишлар кўламининг янада кенгайишига замин яратди.

Кунни кеча пойтахтимизнинг Чилонзор тумани ҳоқимлигида ўтказилган илмий-амалий анжуманда бу борадаги ишлар кўлами, амалга оширилаётган амалий тadbирлар, мавжуд муаммолар ҳусусида сўз борди.

Унда соҳа мутасаддилари, тумандаги маҳаллалар фуқаролар йиғинлари раислари, маслаҳатчилар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, туман ҳудудида жойлашган ўрта махсус таълим масканлари ўқувчилари иштирок этишди.

Тadbир давомида Тошкент шаҳар Маънавият тарғибот маркази раҳбари Иброҳим Абдуғаниев, Тошкент Ислон университети манбалар ҳазинасининг илмий ходими Муҳаммадсиддиқ Усмонов, Тошкент шаҳар бош имом хатибининг кадрлар ва молия ишлари бўйича биринчи ўринбосари, Чилонзор тумани бош имом хатиби Эргашали Рустамовларнинг маърузалари тингланди.

Таъкидлаб ўтилгандек, миллий ғоя тарғиботи фақатгина давлат идоралари, жамоат ташкилотлари зиммасидаги вазифа бўлиб қолмаслиги керак. Бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш учун ҳар биримиздан ушқоқлик, куюнқачлик талаб этилади.

Йиғилиш давомида бу борадаги ишлар билан боғлиқ галдаги режалар белгилаб олинди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Хурматли ишбилармон ва тadbиркор жаноблар! Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситаси кўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2006 йил 10 июлдаги ЖСК-1-612/05-сонли ижро варақасига асосан хатланган, МХЖнинг коминдатурасида сақланаётган «AUDI A8S» русумли, давлат рақами 10W 9999 бўлган, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, техник соғ автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси—27 000 000 сўм.

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 3,10,17,24,31 июль кунлари соат 11-00 да, ушбу автотранспорт воситаси сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М.Уразбоев кўчаси, 1-а уй манзилида жойлашган РКМБ биносининг савдолар залида ўтказилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур туман филиалидаги МФО: 00425, ИНН 200933850, 20210000700571452062 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Шунингдек қуйидаги кўчмас мулк объекти аукцион савдосидан олинганлиги маълум қилинади:

Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани суд ижрочилари томонидан тақдим этилган ва «Тошкент оқшоми» газетасининг 2007 йил 24 апрелдаги 77-сонли, «Халқ сўзи» газетасининг 2007 йил 26 апрелдаги 81-сонли ва «Частный сектор» газетасининг 2007 йил 02 майдаги 18(70) сонлида чоп этилган хабарномалар билан аукцион савдоларига чиқарилган, Мирзо Улугбек тумани, Мирзо Улугбек кўрғони, У.Фуломов кўчаси, 9-уйда жойлашган 3 қаватли уйнинг 1-қаватлиги майдони 200кв.м бўлган савдо дўкони.

Савдодан олишга асос: Мирзо Улугбек тумани суд ижрочиларининг 2007 йил 24 майдаги К1/1-сонли хати.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, М.Уразбоев кўчаси, 1-а уй, телефонлар: 228-79-52, 228-84-48.

Интернетдаги сайтими: www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 3 июль кунни соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Чилонзор туман Суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 19 февралдаги 2257/02-сонли ижро ҳужжатида асосан тақдим этилган ва Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, Е-мавзесида жойлашган «Шахстранс» МЧЖнинг автоуловлар сақлаш жойида сақланаётган қуйидаги мотоцикллар кўймоқда.

«Yamaha Yam 100S» русумли мотоцикл (двиг.рақ.3K00313, рама рақами F430L00141) **Бошланғич баҳоси-2 000 000 сўм.**

«Yamaha Yam 100S» русумли мотоцикл (двиг.рақ.3K00326, рама рақами F130400114) **Бошланғич баҳоси-2 000 000 сўм.**

«Yamaha Yam 100S» русумли мотоцикл (двиг.рақ.3K00354, рама рақами F630L00108) **Бошланғич баҳоси-2 000 000 сўм.**

«Yamaha Yam 100S» русумли мотоцикл (двиг.рақ.3K00264, рама рақами F790400019) **Бошланғич баҳоси-2 000 000 сўм.**

«Yamaha Yam 100S» русумли мотоцикл (двиг.рақ.3K00325, рама рақами F330L00020) **Бошланғич баҳоси-2 000 000 сўм.**

«Yamaha Yam 100S» русумли мотоцикл (двиг.рақ.2F00339, рама рақами F630400156) **Бошланғич баҳоси-2 000 000 сўм.**

«Yamaha Yam 100S» русумли мотоцикл (двиг.рақ.3K00280, рама рақами F630400044) **Бошланғич баҳоси-2 000 000 сўм.**

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдориде закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р.2020800804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пуллари қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй. Тел. 138-69-94. Лицензия DB001-000010.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г - 406

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2884 нусxada босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 6
Топширилган вақти: 13:00